

Захириддин Мұхаммад Бобур - Шеъриятидан намуналар

Бобурнинг лирик мероси “Қобул девони” (1519)га, 1528-29 йилларда “Ҳинд девони” га жамланган. Тўлиқ девон тузгани ҳақида маълумот бор. Шеърларининг умумий ҳажми 400 дан ортади. Шундан 119 ғазал, 231 рубоий ва туюқ, қитъа, фард, маснавий каби жанрларда асарлар яратган. Шеърларини мавзу жиҳатидан ошиқона, таълимий, тасаввуфий, ҳасби ҳол каби турларга ажратиш мумкин. Бобур шеърияти интеллектуал қалб изҳори сифатида арқоқлидир. Унинг асарлари самимий, равон, услубан тугал ва мушаккалдир. Бобур рубоий жанрини турк адабиётида юксакликка олиб чиқкан шоирдир.



Улуғ ўзбек шоири, мутафаккир, тарихчи ва давлат арбоби; марказлашган давлат — бобурйлар салтанати асосчиси Захириддин Мұхаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февраляда Андижонда туғилди. Амир Темурнинг бешинчи авлоди, Фарғона ҳукмдори Умаршайхнинг фарзанди. Бобур 12 ёшда (1494) таҳтга чиқди. 1503-1504 йилларда Афғонистонни эгаллади. 1519-1525 йилларда Ҳиндистонга 5 марта юриш қиласи. Уч асрдан ортиқ давом этган (1526-1858 й.й.), бобурйлар салтанатига асос солди декабрда Агра (1530 й. 26 декабр)да вафот этди. Қабри кейинчалик васиятига кўра Қобулга кўчирилган.

Бобурнинг лирик мероси “Қобул девони” (1519)га, 1528-29 йилларда “Ҳинд девони” га жамланган. Тўлиқ девон тузгани ҳақида маълумот бор. Шеърларининг умумий ҳажми 400 дан ортади. Шундан 119 ғазал, 231 рубоий ва туюқ, қитъа, фард, маснавий каби жанрларда асарлар яратган. Шеърларини мавзу жиҳатидан ошиқона, таълимий, тасаввуфий, ҳасби ҳол каби турларга ажратиш мумкин. Бобур шеърияти интеллектуал қалб изҳори сифатида арқоқлидир. Унинг асарлари самимий, равон, услубан тугал ва мушаккалдир. Бобур рубоий жанрини турк адабиётида юксакликка олиб чиқкан шоирдир.

Бобурнинг улуғ асари “Бобурнома” бўлиб, уни “Вақое” деб ҳам номлайдилар. Буюк мемориал асарда 1494-1529 йиллари Марказий ва Кичик Осиёда, Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларида кечган воқеалар баён этилган. “Бобурнома”нинг ўндан ортиқ кўлёзма нусхалари бор. Асарни Қозонда Н.И. Илминский (1857), Лондонда Бевериж хоним нашр (1905) этган. Ўзбекистонда дастлаб профессор Фитрат 1928 йилда асардан парчалар эълон қилди. “Бобурнома”нинг 1948-1949 йилларда икки жилдли; 1960, 1989 йилларда тузатилган, 2002 йилда ва кейинги йилларда тўлдирилган қайта нашрлари амалга оширилди.

“Бобирнома”асосида қатор бадиий асарлар ҳам яратилган. Флора Анна Стилнинг “Бобурхон” (Париж, 1940), Фернард Гренарднинг “Бобур” (Париж, 1930), Ҳаролд Лэмбнинг “Бобур-йўлбарс” (Нью-Йорк, 1961) романлари, Вамбек Гасконининг “Бобур ва унинг авлодлари ёки Буюк мўғуллар” (Нью-Йорк, 1980) эссе-романлари шулар жумласидандир. Ҳиндистонлик Муни Лаъл бобурйлар тарихига асосланиб б та роман ёзган. Ўзбек адабиётида Ойбек, П.Қодиров, Б.Бойқобилов, Х.Султонов Бобурга бағишлиб роман, қисса ва достонлар яратдилар. Хуршид Даврон буюк ватандошимизга бағишлиланган “Самарқанд хаёли” қиссасини ва ”Бобур соғинчи” пьесасини ёзган. Қисса 1991 йилда нашр этилган. 1997 йилда ёзилган ”Бобур соғинчи” пьесаси Муқумий номидаги театрида саҳналаштирилди (2003 йил). Ушбу асарларни сайтдаги тегишли саҳифаларда мутолаа қилишингиз мумкин.

Шунингдек, Хуршид Даврон Мирзо Бобур рубоийларига шарҳлар (улар “Маърифат” газетасида босилган) ва буюк бобомизга бағишлиланган бир неча шеърлар ёзган. Ушбу ўринда улардан бирини келтирамиз.

БОБУР

(1981)

*Отлар элар шиддатдан терлаб,
Янграп хатар тўла тақалар,
Хуркиб кўкка сапчир, патирлаб,
Тун уйқуси — қора қаргалар.*

*Отлар элар,
Тилларанг хазон
Суворийлар узра сочила,
Элас-элас янграйди аzon —
Тоғлар узра осмон очила.*

*Отлар элар оғзи кўпириб,
Уйготганча мудроқ йўлларни,
Гўё тўғон бандин ўпира,
Тошиқин қувиб келар уларни.*


*“Заҳиридин, қайга борурсан,
Бобонг юртини, таҳтини ташлаб?!
Кора тақдир сени қўл каби
Қаёнларга кетмоқда бошлаб?!*

*Заҳиридин, бу қандай савдо,
Қора ҳижрат сари юз тутмоқ?
Юрагингни этар-ку адo,
Тирик туриб, Ватандан кетмоқ?!*

*Заҳиридин, ортга бир қара,
Ортга боқ, эй, шери саргардон,
Ахир, кейин тушиларингда ҳам,
Бу тупроқни кўрмогинг гумон”.*

*От пишиқириб тўхтар, чавандоз
Узангига тирад оёгин
Ва бўғизига тўплар беовоз
Вужудига тўлган ингрогин.*

*Алам билан юраги урад,
Шивирлайди титроқ лаблари:
“Ҳамма ердан кўриниб турад
Самарқанднинг минорлари”.*



МИРЗО БОБУР ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Ғазаллар

* * *

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,
Келсун агар юзумни эвурсам,бало манга.

Нетгайман ул рафиқ билаким,қилур басе,
Мехру вафо ракибға, жабру жафо санга.

Бегона бўлса ақл мени тилбадин,не тонг,
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.

Оҳу ёшимдин орта дурур заъф, эй табиб,
Билдим ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.

Дардим кўруб муолажада зоёз этма умр,
Ким,жонда дарди ишқ дурур бедаво манга.

То ёр кимни истару кўнглига ким ёқар,
Ташвиш бежиҳат дурур охир санго,манга.

Бобур,бўлуб турур икки кўзум йўлида тўрт,
Келса не бўлди қошима бир-бир манго манга.

* * *

Ўзни , кўнгул, айш билан тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Айшу тараф гулбуниға сув бериб,
Ғусса ниҳолини курутмоқ керак.

Тийра турур зухд дамидин кўнгул,
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.

Ҳар нимаға ғам эма,ғам кўп турур,
Айш била ўзни унутмоқ керак.

Қўйма машакқат аро,Бобур,кўнгул,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак.

* * *

Не хуш бўлғайки, бир кун уйқулуқ баҳтимни уйғотсан,
Кечалар тори мўйидек белиға чирмashiб ётсан.

Гаҳи гулдек юзини ул шакар сўзлукни исласам,
Гаҳи шаккар киби ул юзи гулнинг лаълидин тотсан.

Қани Ширин била Лайлики сендин ноз ўрганса,
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларға ишқ ўргатсан.

Ёруқ кундуз,коронғу кечада анжум киби бўлгай,
Чекиб гар ох дудини кўнгул ўтини тутратсан.

Кўзум равшанлиғида бўлгай, Бобур, басе камлиқ,
Агар қоши била юзун ҳилолу кунга ўхшатсан.

* * *

Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзғорим ул қаро қошдин яна.

Мен худ ул тифли паривашға кўнгул бердим, вале,
Хонумоним ногаҳон бузулмағай бошдин яна.

Юз ёмонлик кўруб ондин телба бўлдунг, эй кўнгул,
Яхшилиғни кўз тутарсен ул паривашдин яна,

Тош урар атфол мани, уйида фориғ ул пари,
Телбалардек қичқиурмен ҳар замон тошдин яна.

Оёғим этганча Бобурдек кетар эрдим, нетай,
Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна.

* * *

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдин ўзга жонни дилафкор кўрмадим,
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Харгиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

* * *

Кўнгулга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,
Шикаста кўнглума эрмиш қаро бало сочинг.

Муяссар ўлди жунун мулки, эй жунун ахли,
Нисори ашкни эмди бу кун манго сочинг.

Сочинг шикастида бордур шикаста кўнгуллар,
Кўнгуллар очилур, очилса ул қаро сочинг.

Очилиди кўнгли, чу очтинг сочингни, Бобурнинг,
Не айб, агар деса дилбанду дилкушо сочинг.

* * *

Балойи ишқки, ҳар дам манда жафоедур,
Бу ишдин кеча олмон ажаб балоедур.

Хати лабиға туташ бўлса, эй кўнгул, не ажаб,
Ки Хизр чашмайи ҳайвонға раҳнамоедур.

Ярап бу хаста кўнгул дардиға ўқин яраси,
Магарки ҳар яраси ёрнинг давоедур.

Баҳор фаслидуру май ҳавоси бошимда,
Аёқ тут менга соқийки, хуш ҳавоедур.

Ул ой рақибға бўлди рафиқу Бобурнинг
Рафиқу ҳамдами ҳажринда оху воедур.

* * *

Сенинг ишқингда, эй номеҳрибон, бехонумон бўлдим,
Деман бехонумон овворайи икки жаҳон бўлдум.

Лабинг гар бермаса бўса нечук жон элта олғаймен,
Бу йўлдаким, адам саҳросига эмди равон бўлдум.

Сўруб ул ой лабидин оғзининг рамзини англадим,
Бир оғиз сўз била кўрунгки мунча хўрдадон бўлдум.

Нечаким қоши ёлар ишқида тузлукни кўрсаттим,
Вале охир маломат ўқлариға-ўқ нишон бўлдум.

Кулар эрдим бурун Фарҳоди мискин достонига,
Бу Шириндорки онинг бирла-ўқ ҳамдостон бўлдум.

Висолинг давлатига етмасам Бобур киби, не тонг,
Ки ҳажринг меҳнатида асрү зору нотавон бўлдум.

* * *

Ўлум уйқусига бориб жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур таҳқиқ билгайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.

Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор
Ки, бир дам ғам емакка арзимас дунёйи фарсада.

Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилғайму,
Сенингдек дард паймову менингдек дард паймуда.

Улусдин тинмадим умримда ҳаргиз лаҳзае, Бобур,
Магар ўлсам бу олам аҳлидин бўлгаймен осуда.

* * *

Тишинг дур, лабинг маржон, хадинг гул, хатинграйхон,
Юзунг хур, сочинг анбар, сўзунг мул, менгинг мейнен.
Мейнен менгинг, сўзинг мул, анбар сочинг, юзунг хур,
Райхон хатинг, хадинг гул, маржон лабинг, тишинг дур.

Тафоҳур кўзум, кўнглум қилурлар магар бордур,
Кўзунга кўнгул вола, юзунга кўзум ҳайрон.

Хайрон кўзум юзунга, вола кўнгул кўзунга,
Бордур магар, қилурлар кўнглум, кўзум тафохур.

Тафаккур неча қилсам топилмас сенинг мислинг,
Парийдек сени кўрдум эмассен маган инсон.
Инсон магар эмассен, кўрдум сени парийдек,
Мислинг сенинг топилмас қилсам неча тафаккур.

Балодур манга ҳажринг, даводур манга васлинг,
Итобинг манга офат, ҳадисинг манга дармон.
Дармон манга ҳадисинг, офат манга итобинг,
Васлинг манда даводур, ҳажринг манга балодур.

Чу Бобур санга қулдур назар қил анга зинҳор,
Топилмас яна бир қул анингдек санга, эй жон.
Эй жон санга анингдек, бир қул яна топилмас,
Зинҳор анга назар қил, қулдур санга чу Бобур.

Рубоийлар

* * *

Қайғунгни чека-чека қарибдур Бобур,
Раҳм айлаки, ўзидин борибдур Бобур.
Норанж юборди сангаким, билмагайсен,
Яъники, бу навъ саргорибдур Бобур.

* * *

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқисидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқисидур,
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқисидур.

* * *

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатга киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатга киши.
Кўнглум бу ғарибликта шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатга севунмас эмиш, албатта, киши.

* * *

Хижрон аро ёд этиб мени шод айла,
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод айла,
Бу хатни анинг учун битдим мунда,
Кўрган Сойи хатимни, мени ёд айла.

* * *

Ул хатки, анда сени мен ёд этгаймен,
Кўз оқида кошки савод этгаймен,
Кифриклардан анга қалам рост қилиб,
Кўз қаросидин анга мидод этгаймен.

* * *

Номангки тириклигим нишони эрди,
Хар сатри ҳаёти жовидони эрди,
Хар лафзида ошкор юз харфи вафо,
Хар харфида юз меҳр нихоний эрди.

* * *

Туз ох, Захириддин Мұхаммад Бобур,
Юз ох, Захириддин Мұхаммад Бобур,
Сарриштаи айшдин күнгүлни зинхор
Уз ох, Захириддин Мұхаммад Бобур.

* * *

Сен гулсену мен ҳақир булбулдирмен,
Сен шуыласен, ул шуылаға мен кулдирмен.
Нисбат йўқдур, деб ижтинос айламаким,
Шоҳмен элга, vale сенга қулдурмен.

Туюқлар

Васлдин сўз дерга йўқ ёро манга,
Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро, манга.
Ўқунг этти кўп ёмон ёро манга,
Марҳами лутфунг била ёро манга.

* * *

Улки, ҳар кўзи ғазоли Чиндуур,
Қошида пайваста онинг чиндуур.
Чунки кўп ёлгон айтти ул манга,
Гар десам ёлғончи они чиндуур.

* * *

Мени беҳол айлаган ёр ойдуур —
Ким, онинг васли менга ёрайдуур.
Гар висоли бўлмаса, кетар ерим
Ё Хуросон, ё Хитой, ё Ройдуур.

* * *

Ишқ аҳли ишқ дардини танинг,
Кўп ёмондур, дарди ишқидин танинг.
Ҳар неча кўзум оч эрса, кўз тўёр
Гар очилса сиймдек нозик танинг.

* * *

Меҳрким, кўкка қилур оҳанг тонг,
Оллида бўлса, эмас беранг тонг.
Холиу икки лабидек бўлмағай,
Хинду ар келтурса шаккар танг-танг.

* * *

Кел, қилай жонни нисоринг, о ёрим,
Нақди жонни борму сендин оёrim?!

Бўса берсанг гар тамом оғзинг била,
Кунжи оғзингдин олойин оёrim.

* * *

Сен киби бир дилрабони билманам,
Ошики содикки дерлар, бил, манам,
Қил тасаввур қўз ёшимни бир тенгиз,
Ўзга ошиқ ашки янглиғ билманам.

* * *

То чиқарди хат узори покидин,
Гул юзи озурда бўлди покидин.
Истар эрди эл бурун юз меҳр ила,
Эмди ул юз меҳри кетти покидин.

* * *

То кўнгул бердим ўшал қойсорига,
Боргонини билмадим қой сорига.
Дўстлар, ёрға мени соғиндурунг,
Солсангиз ногаҳ қулоқ қойсорига.

* * *

Шах, супурай остоning юз ила,
Тийманакдин неча урай юз ила,
Икки юзлук муддайдин не ғамим,
Гар ишим тушса алардин юзила?!

* * *

Не бало бийиктуур давлат тоғи,
Кўйи ғамни не билур давлат тоғи.
Химмате тут, доғи давлат истагил,
Химматинг бўлса, бўлур давлат тоғи.

* * *

Жонға солди даф ғурбат норини,
Кўз ёшим бўлди мўғулнинг норини.
Бу ародаден дегандек бўлмаса,
Кўзлай Иссиғўлу андин норини

* * *

Қаддимни фироқ меҳнати ё қилди,
Кўнглум ғаму андуҳ ўтиға ёқилди.
Холимни сабоға айтиб эрдим, эй гул,
Билмон, санга шарҳ қилмади ё қилди?!

Тўртликлар

Тутмагил, эй гул, равоким, ишқинг ичра ҳар ғариб,
Ерга бош қўйғай ҳазон яфроғи янглиғ сарғариб.
Шахрдин безор бўлса, не ажаб, безар киши,
Ишқ аро бемор бўлса, тонг эмас, бемар ғариб.

* * *

Ёр кўб бемехрдур, толеъ басе ноиътамид,
Ваҳки, кун-кундин бўлурмен ўз-ўзимдин ноумид.
Васл боргондек кўнгулдин, борди илгимдин кўнгул,
Не менга андин хабардур, не анга мундин навид.

* * *

Келки, бормай, сени кўрмай юз туман армон била,
Мақдамингда нақди умрум сарф айлай жон била.
Неча истарсен менинг дардимға дармон, эй табиб,
Ишқ дарди яхши бўлгайму экин дармон била?

* * *

Неча меҳрсизликтиң ҳижрон йўлиға борғай?
Ким бу йўлдин, эй кўнгул, ул қуёшни қайтарғай?
Ҳеч эшитмайин сўзни, ғамга солдилар ўзни,
Ё кўнгулни, ё қўзни, — қайси бирисин қарғай?

* * *

Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл бегам,
Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл хуррам.
Эл ҳамдами бўлғанда, ишқингда ғаму меҳнат,
Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл ҳамдам.

* * *

Хаёл этсам ул белни, ҳол элтадур,
Мени бели сори хаёл элтадур.
Қадининг хаёлин кўз асраб магар,
Кўнгул развасиға нихол элтадур?

* * *

Эй хуш улким, қилса ғамдин кўнглини огоҳ, ишқ,
Айласа бегамлиғининг қиссасин қўтоҳ, ишқ.
Вах, не кун бўлғайки, қовлаб ақлу дониш хайлини,
Бўлса жон бирла кўнгулнинг кишварида шоҳ ишқ.

* * *

Сафар азмини қилдинг, мен бораолмай туруб қолдим,
Назар лутфини қилдинг мендину мен телмуруб қолдим.
Анингдек тунд сурди хажр рахшин ул қарокўзлук,
Йироқтин юз алам бирла қаросини кўруб қолдим.

* * *

Сени кўрмаслик кўнгулга ғам эди, жонимға хам,
Файрнинг кўрмаклиги бўлди алам узра алам.
Ё сенинг кўрмаклигингдин файр бўлса эрди дафъ,
Ё сени кўрмайдурмен, файрни хам кўрмасам.

* * *

Қади фурқати мени дуто қилур,
Қоши хажри қоматимни ё қилур,
Нече ғайрға ул ой вафо қилур?
Нече жонима менинг жафо қилур?

* * *

Гурбат туғи ёпқон рухи зардимниму дей?
Ё ҳажр чиқарғон охи сардимниму дей?
Холинг недурур? Билурмусен дардимни?
Холингай сүрайму, йүкса дардимниму дей?!

* * *

Ишванг била ғамзангаю нозингниму дей?
Жаврунг била сүзунггу гудозингниму дей?
Сүзунг, қилиғинг, навозишиңгму айтай?
Овозу усулингниу созингаиму дей?!

* * *

Күзум уий юзидин мусаввар бўлди,
Бу важҳ била кўнгул мунаvvар бўлди.
Юз шукрки, Бобур киби ошиқликда,
Ҳар неки тилаб эдим — муюссар бўлди.

* * *

Хаттингни кўруб, кўнгулга ҳайрат бўлди,
Шеъринг эшитиб, жонға мусаррат бўлди.
Бу неча маҳал тағофул эттинг, демагил,
Толеъ йўқ эдики, мунча ғафлат бўлди.

* * *

Эй пайк, бориб сано била қуллук, де!
Ер ўп, доғи қўп, адо била қуллук, де!
Гар ёр мени хастани сўрса зинҳор,
Мендин юқунуб, дуо била қуллук, де!

* * *

Номангки, тириклигим нишони эрди,
Ҳар сатри ҳаёти жовидони эрди.
Ҳар лафзида ошкор юз ҳарфи вафо,
Ҳар ҳарфда юз меҳр ниҳони эрди.

* * *

Ҳажрингда бу тун кўнгулда қайғу эрди,
Васлингға етишмадим — жихат бу эрди:
Оҳим тутуни бирла кўзумнинг ёшидин
Йўл балчиқ эди, кеча қаронғу эрди!

* * *

Ҳажрингда, агарчи жонға бедод эрди,
Сенсиз манга юз фигону фарёд эрди.

Фикрингдин эрди, валек, хурсандлиғим,
Зикринг била бу хаста күнгүл шод эрди.

* * *

Хотирға хутур этти бу сўз ёнгла, ахий,
Айтай сенга, сен қулоқ солиб онгла, ахий.
Умрунгни бу кун хуш кечир аҳбоб илаким,
Топилмагусидур ушбу кун тонгла, ахий.

* * *

Эшитса киши бу шўру шеван, не дегай?
Доим бу тарийқ ичкуни кўрган не дегай?
Душман сўзига кирма, эшит дўст сўзин,
Эшитмаса сўзни дўст, душман не дегай?

* * *

Ишқингда кўнгул ҳаробдур, мен не қилай?
Ҳажрингда кўзум пуробдур, мен не қилай?
Жисмим аро печутобдур, мен не қилай?
Жонимда кўп изтиробдур, мен не қилай?

* * *

Шохим, санга маълум эмастур, не қилай?
Оҳим санга маълум эмастур, не қилай?
Мен юзу қошинг дермену сен — бадру ҳилол,
Моҳим, санга маълум эмастур, не қилай?

* * *

Бошимни туфайл ул саромадқа қилай,
Жонимни фидо ўшал сиҳи қадқа қилай.
Бу хаста кўнгул била хамида қадни
Кўзи била зулфиға анинг садқа қилай.

* * *

Етсам санга, қуллуғумни чўқ арз қилай,
Сен етсангу мен десамки, йўқ арз қилай.
Кўптур сўзуму маҳрам эмас ҳеч киши,
Рухсат этса, тобуғунгда-ўқ арз қилай.

* * *

Ҳижрон аро неча нома таҳрир қилай,
Хома тили бирла ҳол тақрир қилай.
Хуш улким, сўзум санга десам воситасиз,
Сен андаю мен мунда — не тадбир қилай?

* * *

Менинг тилагим будурки, то зинда бўлай,
Қар қанда эсанг, банда доғи анда бўлай.
Не хулқ эди, ёна кўнглум олдинг сўз ила,
Ширин сўзу яхши хулкунгга банда бўлай!

Қитъалар

Эй аларким, бу Ҳинд кишваридин
Бордингиз англаб ўзга ранжу алам.
Кобулу хуш ҳавосини соғиниб,
Ҳинддин гарм бордингиз ул дам.
Кўрдингиз — топтингиз экин анда
Ишрату айш бирла нозу ниам?
Биз доғи ўлмадуқ, биҳамдиллох,
Гарчи қўп ранж эди-ю, беҳад ғам.
Ҳаззи нафсий, машаққати баданий,
Сиздин ўтти-ю, ўтти биздин ҳам.

* * *

Даврон ғами била ситамини унутгуур
Ул сабзчеҳра ёр хаёли аладдавом.
Ҳижронида хаёл эта олмон, бу турфаким,
Васлида ҳам хаёл агар бўлса, борча хом.
Васфида хомлик агар ўлса, не ғамдуур,
Чун дафъ этар хаёли ғаму ғуссани тамом.
Чун ёри роздор қилурман сени хаёл,
Асрор фош айлама зинҳор, вассалом!

* * *

Бобур ниёзу мадҳини еткургил, эй сабо,
Ул шаҳзода Носир олижанобқа.
Бўл ою йил фароғату хушбошлиғ била
Бўлгунча моҳу сол ою офтобқа.
Ҳижрон чўлида жаҳд била пўялар уруб,
Истаб зилоли васл, этиштим саробқа.
Чун хост мундок эрдики, ҳажрингни чеккамен,
Бехост ражъат айламишам Андаробқа.

* * *

Эйки, тарғиб қилурсен чоғир ичмакка мени,
Созу хонанда била сокиу сахбо борму?
Бовужудики, ўтубтур чоғир ичмак вақти,
Мажлис асбобини, билмонки, муҳайё борму?

* * *

Ноумид бўлдум, эй Мўғул, сендин,
То эшитгимки, Андижон бординг.
Айтғон сўзга келдим, аммо, сен
Яхши келдинг демай, ямон бординг.

* * *

Қолмади ҳурмат аҳли оламда,
Оламу олам аҳдидин юв илик!
Бобуро, икки подшолиғдин
Яхшироқ бу замонда бир беклик.

* * *

Муяссар ўлса агар ёр васли ғурбатта,
Ватанни не қилаю ўз диёр нега керак?
Йиборди ёр манга ёдгор деб хатини,
Манга ҳабиб керак, ёдгор нега керак?!

* * *

Не суд андин пой дар гиллигим,
Чу ал дўстлардин ул ой юб эмиш.
Ўзин форигу бизни қилгон асир-
Ким, эрмиш бу янглиғ ул Айюб эмиш.

* * *

Тамоми хусн эли соғу ҳушёр эканда,
Дурушту тунд агар бўлсалар, билингки, еридур.
Чоғир керакки, ичиб, базм бўлса, барча йигитлар,
Чоғир кетур, бори хублар чоғирга тушкулари дур.

* * *

Не қилайин сенинг била, эй тил,
Жиҳатингдин менинг ичим қондур!
Неча яхши десанг бу ҳазл ила шеър,
Бириси фахшу бири ёлғондур.
Гар десанг куймайин бу журм била,
Жилавингни бу арсадин ёндуруп!

* * *

Ул сарвнинг ҳаримиға гар етсанг, эй сабо,
Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига.
Раҳм айлабон соғинмади Бобурни, бор умид,
Солгой Худой раҳмни Фўлод кўнглига.

* * *

Бу вилоятка муқайяд бўлмағил,
Кел, Хуросон жонибиға азм қил!
Гар борур бўлсанг, эрурмен ҳамраҳинг,
В-ар туарсен, мен борурмен жазм қил!

* * *

Йўқтуурур нозингдин озоре манга,
Ноз агар қилсанг манга матлубдур.
Хоҳ кўрсат лутфу хоҳи жавр қил,
Ҳар не воқеъ бўлса сендин хубдур.

* * *

Қилмаса ул ой назар манга, не тонг?
Тенгри толеъ чун манга ёротмади.
Ўки ёрап эрди кўнглум дардини,
Нетайин, кўнглум учун ёр отмади.

Фардлар

Холимни санга айтиб, хажр ўтиға ўртондим,
Эй ёр, ямон қилдим, ҳар неки дедим — ёндим.

* * *

Санбұса сенинг күңглунг гар истаса, андоқ қил,
Санбұса керак бўлса, сан бўса иноят қил.

* * *

Кутулмоқ фироқингдин осон эмас,
Етишмак висолингға имкон эмас.

* * *

Дардинг ўлса, иложни нетайин?
Сенсизин тахту тожни нетайин?

* * *

Мехрубон истаб, балои бевафоға учрадим,
Бевафо эрмиш, Худойим, не балоға учрадим?

* * *

Бўлдум яна ошуфта, девона даги бормен,
Гўёки бу фурсатта ошиқ бўлуб ўхшормен.

* * *

Кошки эл бирла ул маҳваш ҳикоят қилмаса,
Ё ҳикоят қилғанини эл ривоят қилмаса.

* * *

Кўнглум висолидин хушу кўзумда нурдур,
Кўз равшани, кўнгул хуши Абдушукурдур.

* * *

Бўлмади ҳаргиз, нетай, ул бевафо ёрим менинг,
Гар менга ёр ўлса ул, бўлғай Худо ёрим менинг.

* * *

Ёрнинг ағёрға меҳ_ру вафосин англадим,
Нотавон кўнглумга ҳам жавру жафосин англадим.

* * *

Қадин кўз жўйбориға ул ой бехост келтурса,
Оёғидин кўтармай бошни, Тангри рост келтурса.

* * *

Не осиф ишқ аро манъ айламак оху фиғонимни
Ки, мен барбод бермишмен бу йўлда хонумонимни.

* * *

Сенгаким, арзи ҳолимни адo мен нотавон қилдим,
Муборак хотириңға нохуш-ар келса, ёмон қилдим.

* * *

Муштоқдуур хаста күнгүл васлинга бисёр,
Ёрим кеча келгилки, хабар топмасун ағёр.

* * *

Эйки, лаъли жонфизоинг нуқлу майдин яхшидур,
Келгил ушбу кеча, юз күрсатки, ойдин яхшидур.

* * *

Келки, онда фурқатингдин доғи ҳирмон қолмасун,
Қолмасун ғамда күнгүл, күнглумда армон қолмасун.

* * *

Ишқинг майидин, эй жонким, масту бехабармен,
Гохи ўзумда йўқмен, гохи ўзумда бормен.

* * *

Кўзум ёруғлуғио хаста кўнглум хушлиғи сенсен,
Баданда жонсену жоннинг дағи дилкашлиғи сенсен.

* * *

Сенга ҳолимни ёздим, сажда қилдим,
Айтқилким, не ёздим, не ёнгилдим?
Отин оғзимға олдим эрса, тортар тифи кин ул маҳ,
Мени агар ўлтуур бўлса бу ёзук бирла, бисмиллах.

* * *

Мени йўқ эътиқоди деб, бори эл ичра ёд этма,
Худой учун бори элни ўзунгдек эътиқрд этма.

* * *

Жаҳон чун бевафодур, нечаким андиша Бобур қил,
Ўзунгни подшохи жумлаи олам тасаввур қил.

* * *

Меҳр ила хурсанд этарсен, жавр ила помол ҳам,
Бир замон ғамгин қилурсен, бир замон хушхол ҳам.

* * *

Кўрмас жаҳонда ҳаргиз кўнглини шод Бобур,
Топмас муроди дилни, эй номурод Бобур.

* * *

Бу кўзаки, бўйнумға қўюб келмишам они,
Ҳар ким бу чоғир ичмаса, ўз бўйниға қони.

* * *

Ёд айламадинг ҳаргиз, мунчаки ёлинибмен,
Сен мени соғинмайсен, мен сени соғинибмен.

* * *

Хати бирла ул ой хадди: бири — моху бири — ҳола,
Юзи бирла анинг қадди: бири — сарву бири — лола.

* * *

Улфатим эл бирла оздур, кўбдур эл жаври менга,
Не менинг таврим ёқар элга, не эл таври менга.

* * *

Баҳор мавсуми еттию хуш хаво ўтти,
Тағофул айлама соқийки, ўтти, хр, ўтти.

* * *

Бодадин ишрат уйини доим обод этгасен,
Ҳар қачонким, бода нўш этсанг, мени ёд этгасен.

* * *

Ё Раб, хавос жамъида Бобурни хос қил,
Ёхуд авом тафриқасидин халос қил.

* * *

Ўзга ҳамдам истабон, жонимға маҳрам найлайин?
Менмену ул ой хаёли, ўзга ҳамдам найлайин?

* * *

Очилиди кўнглум ўшал гульузор келганидин,
Нечукки, ғунча очилғай баҳор келганидин.

* * *

Бир фикру бир ҳаводадурур ҳар нафас кўнгул,
Ҳар лаҳза бир ҳавас қиласур булҳавас кўнгул.

* * *

Висол шавқидамен, иштиёқ кўрсатма,
Худой учун менга асру фироқ кўрсатма.

* * *

Неча бошимға ёғдурғай жафо тошини ул маҳваш?
Неча сабр айлай онинг жавриғаким, ўтди ҳаддин тош?

* * *

Май хуморидин ўлур ҳар нафас афзун дардим
Соқиё, кел, бир аёқ берки, иликдин бордим.

* * *

Жафони қўй, вафо таркини тутма,
Унутмасмен сени, сен ҳам унутма.

* * *

Сенга ошиқ эмасменким, менга жавр этгасен доим,
Сенинг нозингни ким тортар, менинг сендин не парвоим?

* * *

Гар кўзунгдин туштум эрса, кўрдум они бодадин,
Бўлди тақсир эмди сен ўткор мени уфтодадин.

* * *

Чун зарурат бўлди, қилдим сендин айру майли жом,
Хар чоғирким, ичмасам ёдинг била, бўлсун ҳаром.

* * *

Тасаввур қилмағилким, сендин, эй жон, ўзга қилғаймен,
Кўнгул ул, фикр хам улдур, не имкон ўзга қилғаймен?

* * *

Бормаким, кўнглумда васлинг иштиёқидур ҳануз,
Келки, васлинг иштиёқи менда бокидур ҳануз.

* * *

Эшикишта бошим қўймоқ учун ҳар дам итоб этма,
Бош олиб кетгум охир эшикингдин, изтироб этма.

* * *

Яна ошуфтароқ кўрдум ўшал номеҳрубонимни,
Не иш қилдим? Не тақсир ўлди? Билмасмен гуноҳимни.

* * *

Ҳажр ила қўнглумни буздинг, вasl бирла туз мени,
Бордингу ўлтурдунг охир, кел, дағи тиргуз мени.

* * *

Ўтган оқшом ваъда айлаб, ул парирў келмади,
«Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади».

* * *

Ичиб чоғирни, ишим телбаликка ёвушти,
Нечук таҳаммул этай, ичимга ўт тушти.

* * *

Гўшае тутсам, жаҳоннинг элидин ғам кўрмасам,
Истарам эл кўрмаса мению мен ҳам кўрмасам.

* * *

Бизга чун мөхринг йўқ, элга мөхрубонлиғ қилмағил,
Яхшилиғ чун қилмадинг, боре ёмонлиғ қилмағил.

* * *

Жаҳон бирла жаҳоннинг аҳлидин беҳад малолим бор,
Биридин қатъ этиб, ул бирга қотилмас хаёлим бор.

* * *

Жонни фидо қилиб сенга, бормен дағи ёмон,
Қилған ҳамондуур дөғиу қилмаған ҳамон.

* * *

Эй сабо, шарҳ айлагил ҳижронда авқотим менинг,
Ўтса ул шаҳнинг тобуғида агар отим менинг.

* * *

Бўлди ҳажринг дўзахининг бартараф бўлмоқ чоғи
Ким, висолингнинг далилидур кўзумнинг учмоғи.

* * *

Ҳам ҳуснининг бинафшаю гул банда-бардаси,
Ҳам сарв эрур чаманда бир озодкардаси.

* * *

Тани зоримни де, гулшанда шохи нотавон кўрсанг,
Сариф юзумни соғин, боғ аро барги хазон кўрсанг.

* * *

Бобурдуур бу икки варакнинг муҳаррири,
Бири бутун варактуру пайвандлар бири.

* * *

Борму эркин ҳеч нима оламда ҳижрондин ёмон,
Хар неким ондин ёмонроқ йўқ, будур ондин ёмон.

* * *

Басе, фироқида ичсам чоғир, йигим келадур,
Манга чоғирни кетурмангки, аччиғим келадур.

* * *

Тутмагил, эй гул, равоким, ишқинг ичра бир ғариб,
Ерга бош қўйғай хазон яфроги янглиғ сарғариб.

* * *

Зухд саҳросиға туштум ишқ йўлидин озиб,
Бобури гумраҳни эмди ким бу йўлға кўндуур?

* * *

Ул икки лаби рамзи дард ахлиға қилмайдур,
Гул ғунчасидур гүё, бизларга очилмайдур.

* * *

Бор арчи боиси юз шўру юз гуноҳ чоғир,
Чоғир фироқи қилди ҳалок мени, оҳ чоғир!

* * *

Фироқингдин ёвуштум ўлгали, эй ёр, келгайсен!
Висолинга басе муштоқмен, зинҳор келгайсен!

* * *

Ул парируҳсора ҳаргиз нотавонлик кўрмасун!
Яхшидур яхши киши, ҳаргиз ёмонлик кўрмасун!

* * *

Сендин айру найлагаймен айшу саҳбо хушлуғин,
Ки, сенинг учун тилармен барча дунё хушлуғин.

* * *

Сенинг учун ватаним кўҳу дашт бўлғусидур,
Анинг учунки, вафосиз ғазол кўрунасен.

* * *

Ёр қадрин билмадим то ёрдин айрилмадим,
Ёр қадри мунча ҳам душвор экандур билмадим.

* * *

Кўруб ҳижрон ғамин, жононға еттим,
Агарчи ранж чектим, жонға еттим.

* * *

Мени ҳижронда куйдурсанг, кўнгул сендин совутмасмен,
Агарчи сен унугунг мени, сени мен унутмасмен!

* * *

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ғам ҳар сў,
Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам оқар су(в).

* * *

Жаҳон элию жаҳон борча гар адам бўлса,
Адам йўлини тутай зарра менда ғам бўлса.

* * *

Истарам етсам қуюндеқ гульузорим қошиға,
Оллида туфроғ бўлуб, эврулсам онинг бошиға!

* * *

Гарчи оламда висол айёми дилкашдур, ахий,
То билингай васл қадри, ҳажр ҳам хушдур, ахий.

* * *

Мехрибон соғинғоним номеҳрибон эрмиш, нетай?
Яхшилиғ күз тутгоним асру ёмон эрмиш, нетай?

* * *

Неча ул ёр ёд этмай, мени ағёр соғингай,
Не кун бўлғай мени дилхастани ул ёр соғингай.

* * *

Бу дунёдин фараҳ йўқтур мени маҳзунға жононсиз,
Жаҳондинким, десун, биллоҳ, керакмас манга жон онсиз!

* * *

Дўстлуқни гар тиларсен айласанг исбот кел,
Суҳбатингға асру кўп муштоқдурмен бот кел.

* * *

Хуш ул бурунқи замонларки, ўтгию борди,
Хуш ул кишики, замонларни яхши ўткорди.

* * *

Мурод васлинг эрур — айла ёд Бобурни,
Унутмоғил яна бу номурод Бобурни.

* * *

Кўзумнинг нурисен, кўнглум ҳузури,
Таним хуррамлиғи, жоним сурори.

* * *

Сабзаю гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,
Хоса бу мавсумда Борон ёзисию Гулбаҳор.

* * *

Ғайрга неча ул ой вафо қилур,
Неча жонима менинг жафо қилур?

* * *

Қади фироқи мени дуто қилур,
Қоши ҳажри қоматимни ё қилур.

* * *

Захри хижрон ичмишам, бер бода тарёки манга,
Май хумори бошта чўхтур, тут чоғир соқи(й) манга

* * *

Боғ неча хўб эса, кўйича йўқтур,
Сарвни мавзун деса, бўйича йўқтур.

* * *

Ағёрға ўқ урубон, дардига даво қиладур,
Бисёр ёмон борадур, ул ёр хато қиладур.

* * *

Бормоққа не маскан мұяссар,
Турмоққа не давлат мұяссар.

* * *

Билинг муни давлат, гар ўлса мұяссар
Рахиқи мураввақ, рафиқи суханвар.

* * *

Ишқни ҳар кимки қилур ихтиёр,
Мен киби оламда бўлур хору зор.

* * *

Шайху мулло Шихобу Хондамир,
Келинг уч-уч, ики-ики, бир-бир.

* * *

Жамолингдин қуёш асру бот ўтотлиғ,
Сочингга банда боғ ичра сунбул отлиғ.

* * *

Ваҳму усраттин амоне топтуқ,
Янги жон, тоза жаҳоне топтуқ.

* * *

Кел, эй рафиқи гулрўй, кетур рақиқи гулранг,
Ўзунг ичиб, манта қуй, кўтар наво тузуб чанг.

* * *

Яшурди отини ғайр иттифоқи бирла ул қамдам,
Дедим отини элга, фош қилдим иттифоқин ҳам.

* * *

Ишқ юки айлади сипехри аълони ҳам,
Не ажаб, ар айласа менингча шайдони ҳам.

* * *

Рақиб йўлдошу мен ҳажрдин дуто ўлдум,
Ғариф турки ситамгарға мубтало ўлдум.

* * *

Бошим қадам қилибон висолинга етайнин,
Муяссар бўлмаса васл, бош олибон кетайнин.

* * *

Ҳаж йўлиға кир, кўнгул, ҳиммат била,
Бер қаз, оқ ар ўлса юз минг қофилга.

* * *

Ғам юзини кўрма, бўлсанг журъаю жоме била,
Шукр қил, май нўш қилсанг гар гуландоме била.

* * *

Не малак андоқ эрур, не эрур онча киши,
Қамар анинг муқирри, қуёш анинг қаёши.

* * *

Хар кимки, бўюнни қўймас, они тийгай,
Чопқай, талоғай, мутеъю мунқод этгай.

* * *

Қадинг жаннат риёзининг ниҳоли,
Эрам гулзори хадингнинг мисоли.

* * *

Ҳажр шоми сочи савдоси чекар ҳар ён мени,
Ваҳки, бу поёни йўқ тун қилди саргардон мени.

* * *

Кўпу озға Тенгридур бергучи,
Бу даргоҳда йўқтур кишининг кучи.

Маснавийлар

Сабо, ул гул ҳаримиға гузар қил,
Менинг ҳолимдин ул гулга хабар қил.

Саломим еткур ул ороми жонға,
Яна мундоқ дегил ул дилситонға:

«Юзунгни кўрсатиб, кўнглумни олдинг,
Олиб кўнглумни, қўздин мени солдинг.

Дегил дилдорлиғ мундоқ бўлурму?
Тариқи ёрлиғ мундоқ бўлурму?

Сени мундоқ тасаввур қилмас эрдим,
Бу янглиғ раЖ, мисиз ҳам билмас эрдим.

Сени деб барча оламдин кечибмен,
Рафиқу ёру ҳамдамдин кечибмен.

Замоне қилмадим сендин фароғат,
Вале, бордур сенга мендин фароғат.

Мени аввал ўзунгга ҳамдам эттинг,
Ёна билмон нега номаҳрам эттинг.

Сўзунгким, Хизр суйидин нишондур,
Вале, ул сув киби мендин ниҳондур.

Не, яъни мунча биздин сўз ёшурмоқ,
Жафо ойинини ҳаддин ошурмоқ?

Биронингким, бирордин кўнгли қолур,
Киши юз сўз била кўнгулни олур.

Ажабким, мендин, эй дилдор, тўйдунг,
Менинг кўнглумни бир сўз бирла кўйдунг.

Узатма мунча ҳам, Бобур, сўзунгни,
Бу сўзлар бирла хор этма ўзунгни.

Агарчи кўп сўзунг бор, муҳтасар қил,
Ул ойға сўзнинг аслидин хабар қил.

Гар ул сўзким, ёшурдунг, айтмассен,
Бу янглиғ одатингдин қайтмассен.

Сенинг севмаслигингни жазм этармен,
Бош олиб ўзга бир сори кетармен.

Агар ботроқ йибормассен жавобим,
Бу хатдин ортуқ ўлур печу тобим».

* * *

Эй пайки сабо, қотимға келгил!
Эшит бу сўзумни, доғи билгил!

Елдек етиб ул қуёш қошиға,
Қуюн киби эврулуб бошиға.

Юз ҳасрату иштиёқ бирла,
Юз минг аламу фироқ бирла.

Мендин тобуғида бўйла арз эт,
Бу хидматни ўзунгга фарз эт:

«К-эй подشاҳи вилояти хусн!
Шаънингда келибтур ояти хусн!

Сен хусн сарири подшохи!
Мен ишқ факири додхохи!

Ҳажру ғаминг этти зулму бедод,
Эй жону жаҳон, фитону фарёд!

Ойрилғали, эй нигор, сендин,
Ойрилди хушу қарор мендин.

Кўзумда, агарчи, йўқ жамолинг,
Кўнглумдадурур, вале, хаёлинг.

Фикрим будурурки, сенга етсам!
Зикрим будурур — сўзунг эшитсам!

Бормади кўнгулдин ул сочу юз,
Ёд эттим аларни кеча-кундуз.

Чун йўқ қошинга етарга ҳаддим,
Қошинг ғамидан эгилди қаддим.

Зулфунг гириҳига бастадурмен,
Кўзунг ҳавасида хастадурмен.

То оқ юзунг йироқ тушти,
Икки кўзум ичра оқ тушти.
Оғзинг ғамидинки, тангдилмен,
Ўлмай юрурам, не сангдилмен!

Лутф этки, ҳароб бўлди ҳолим,
Рахм айлаки, қолмади мажолим.

Хуш улки, юзунгни ёна кўрсам,
Ҳайрон боқибон юзунгга турсам.

Ўпсам аёғинг кўюб юзумни,
Суртуб анга ҳар замон кўзумни.

Бўйнунгға қўлум ҳамойил этсам,
Сарвингни ўзумга мойил этсам.

Гаҳ илкима ғабғабингни олсам,
Гаҳ оғзима ул лабингни олсам.

Кўзумни кўтармасам кўзунгдин,
Юзумни кўтармасам юзунгдин.

Гаҳ оғзимға тилингни олсам,
Гаҳ оғзингға тилимни солсам.

Ҳосилки, агар қошингга етсам,
Кўнглум тилаганча ишрат этсам.

Юзунг яна кўрсам эрди, эй жон,
Ўлсам доғи қолмас эрди армон.

Юз мунча хаёллар қилурмен,
Ёдинг била ҳоллар қилурмен.

Мен ушбу хаёллар била шод,
Сен мени қилурсен ўзгача ёд.

Маҳжур кўнгулни шод қилмай,
Яхши сўз бирла ёд қилмай.

Ёлғон сўз ила итоб этарсен,
Юз қаҳр била хитоб этарсен.

Гар ёлюни бўлса зохир, эй дўст!
Шарманда бўларсен охир, эй дўст!

Эй ёр, сен айлама тасаввур-
Ким, күнглини ўзга қилди Бобур.

Юз ҳурсифат қошимға келса,
Юз тифи жафо бошимға келса.

Күнглумда ҳануз ўшал вафодур!
Бошимда дәғи ўшал ҳаводур!

Фикрим ўшалу хаёл ўшалдур!
Дардим улу зор ҳол ўшалдур!

Гар мунда тараддуд этса ойим,
Бу сүзда гувоҳ эрур Худойим.

Ҳол ул эдиким, ҳикоят эттим,
Гах шукру гаҳи шикоят эттим.

Хар неки күнгулда эрди — дедим,
Эмди сендин будур умидим:

Хар ишта шитоб қилмағайсен!
Бу тавр итоб қилмағайсен!

Қолгон күнглумни олғасен бот,
Олғон назарингни солғасен бот.

Гар яхшию гар ямон қилурсен,
Дедим санга, эмди сен билурсен.

То дахрдуур, саломат ўлғил!
Хушлуқ била то қиёмат ўлғил!

Хушвақтлиғинг мудом бўлсун!
Давлат санга мустадом бўлсун!

Бобурнинг лирик мероси “Қобул девони” (1519)га, 1528-29 йилларда “Ҳинд девони” га жамланган. Тўлиқ девон тузгани ҳақида маълумот бор. Шеърларининг умумий ҳажми 400 дан ортади. Шундан 119 газал, 231 рубоий ва туюқ, қитъа, фард, маснавий каби жсанрларда асарлар яратган. Шеърларини мавзу жиҳатидан ошиқона, таълимий, тасаввуфий, ҳасби ҳол каби турларга ажратили мумкин. Бобур шеърияти интеллектуал қалб изҳори сифатида арқоқлидир. Унинг асарлари самимий, равон, услубан тугал ва мушаккалдир. Бобур рубоий жсанрини турк адабиётida юксакликка олиб чиққан шоурдир.



Улуг ўзбек шоири, мутафаккир, тарихчи ва давлат арбоби; марказлашган давлат — бобурийлар салтанати асосчиси Захириддин Мұхаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февралида Андижонда туғилди. Амир Темурнинг бешинчи авлоди, Фарғона ҳукмдори Умаршайхнинг фарзанди. Бобур 12 ёшда (1494) тахтга чиқди. 1503-1504 йилларда Афғонистонни егаллади. 1519-1525 йилларда Ҳиндистонга 5 марта юриш қиласы. Уч асрдан ортиқ давом етган (1526-1858 й.й.). бобурийлар салтанатига асос солди декабрда Агра (1530 й. 26 декабр)да вафот етди. Қабри кейинчалик васиятига кўра Қобулга кўчирилган.

Бобурнинг лирик мероси “Қобул девони” (1519)га, 1528-29 йилларда “Ҳинд девони” га жамланган. Тўлиқ девон тузгани ҳақида маълумот бор. Шеърларининг умумий ҳажми 400 дан ортади. Шундан 119 ғазал, 231 рубой ва туюқ, қитъа, фард, маснавий каби жанрларда асарлар яратган. Шеърларини мавзу жиҳатидан ошиқона, таълимий, тасаввуфий, ҳасби ҳол каби турларга ажратиш мумкин. Бобур шеърияти интеллектуал қалб изҳори сифатида арқоқлидир. Унинг асарлари самимий, равон, услубан тугал ва мушаккалдир. Бобур рубоий жанрини турк адабиётида юксакликка олиб чиқкан шоирдир.

Бобурнинг улуг асари “Бобурнома” бўлиб, уни “Вақойе” деб ҳам номлайдилар. Буюк мемориал асарда 1494-1529 йиллари Марказий ва Кичик Осиёда, Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларида кечган воқеалар баён етилган. “Бобурнома”нинг ўндан ортиқ кўлёзма нусхалари бор. Асарни Қозонда Н.И. Илминский (1857), Лондонда Бевериж хоним нашр (1905) етган. Ўзбекистонда дастлаб профессор Фитрат 1928 йилда асардан парчалар ёълон қилди. “Бобурнома”нинг 1948-1949 йилларда икки жилди; 1960, 1989 йилларда тузатилган, 2002 йилда ва кейинги йилларда тўлдирилган қайта нашрлари амалга оширилди.

“Бобирнома” асосида қатор бадиий асарлар ҳам яратилган. Флора Анна Стилнинг “Бобурхон” (Париж, 1940), Фернард Гренарднинг “Бобур” (Париж, 1930), Ҳаролд Лембнинг “Бобур-йўлбарс” (Ню-Ёрк, 1961) романлари, Вамбек Гасконининг “Бобур ва унинг авлодлари ёки Буюк мўғуллар” (Ню-Ёрк, 1980) ессе-романлари шулар жумласидандир. Ҳиндистонлик Муни Лаъл бобурийлар тарихига асосланиб 6 та роман ёзган. Ўзбек адабиётида Ойбек, П.Қодиров, Б.Бойқобилов, Х.Султонов Бобурга бағишлиб роман, қисса ва достонлар яратдилар.Хуршид Даврон буюк ватандошимизга бағишлиланган “Самарқанд хаёли” қиссасини ва ”Бобур соғинчи” пьесасини ёзган.Қисса 1991 йилда нашр етилган. 1997 йилда ёзилган ”Бобур соғинчи” пьесаси Муқумий номидаги театрида сахналаштирилди (2003 йил).Ушбу асарларни сайтдаги тегишли саҳифаларда мутолаа қилишингиз мумкин.

Шунингдек,Хуршид Даврон Мирзо Бобур рунонларига шарҳлар (улар “Маърифат” газетасида босилган) ва буюк бобомизга бағишлиланган бир неча шеърлар ёзган.Ушбу ўринда улардан бирини келтирамиз.

БОБУР (1981)

*Отлар елар шиддатдан терлаб,
Янграп хатар тўла тақалар,
Ҳуркиб кўкка сапчир, патирлаб,
Тун уйқуси — қора қаргалар.*

*Отлар елар,
Тилларанг хазон
Суворийлар узра сочишар,
Елас-elas янграйди аzon —
Тоғлар узра осмон очилар.*

*Отлар елар оғзи кўпирлиб,
Үйготганча мудроқ йўлларни,*

*Гүё түгөн бандин ўтириб,
Тошқын қувиб келар уларни.*

*“Захиридин, қайга борурсан,
Бобонг юртин, таҳтини ташлаб?!
Кора тақдир сени құл каби
Қаёнларга кетмоқда бошлаб?!*

*Захиридин, бу қандай савдо,
Кора ҳижрат сари юз тутмоқ?
Юрагингни етар-ку адo,
Тирик туриб, Ватандан кетмоқ?!*

*Захиридин, ортга бир қара,
Ортга бок, ей, шери саргардон,
Ахир, кейин тушларингда ҳам,
Бу тупроқни күрмогинг гүмон”.*

*От пииқириб түхтар, чавандоз
Узангига тирап оғегин
Ва бўзига тўплар беовоз
Вужудига тўлган ингрогин.*

*Аlam билан юраги урап,
Шивирлайди титроқ лаблари:
“Ҳамма йердан кўриниб турар
Самарқанднинг минорлари”.*



МИРЗО БОБУР ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Ғазаллар

* * *

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,
Келсун агар юзумни евурсам, бало манга.

Нетгайман ул рафиқ билаким, қилур басе,
Мехру вафо рақибға, жабру жафо санга.

Бегона бўлса ақл мени тилбадин, не тонг,
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.

Оху ёшимдин орта дуурү заъф, ей табиб,
Билдим ярашмас емди бу обу ҳаво манга.

Дардим күрүб муолажада зөсөн етма умр,
Ким, жонда дарди ишк дуурү бедаво манга.

То ёр кимни истару күнглигага ким ёқар,
Ташвиш бежиҳат дуурү охир санго, манга.

Бобур, бўлуб турур икки кўзум йўлида тўрт,
Келса не бўлди қошима бир-бир манго манга.

* * *

Ўзни, кўнгул, айш билан тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Айшу тараб гулбунига сув бериб,
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.

Тийра турур зуҳд дамидин кўнгул,
Ишк ўти бирла ёрутмоқ керак.

Ҳар нимаға ғам ема, ғам кўп турур,
Айш била ўзни унутмоқ керак.

Қўйма машаққат аро, Бобур, кўнгул,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак.

* * *

Не хуш бўлғайки, бир кун уйқулуқ баҳтимни уйғоцам,
Кечалар тори мўйидек белиға чирмashiб ёзам.

Гаҳи гулдек юзини ул шакар сўзлукни исласам,
Гаҳи шаккар киби ул юзи гулнинг лаълидин тоцам.

Қани Ширин била Лайлики сендин ноз ўрганса,
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларға ишк ўргацам.

Ёруқ кундуз, қоронғу кечада анжум киби бўлгай,
Чекиб гар оҳ дудини кўнгул ўтини тутрацам.

Кўзум равшанлиғида бўлғай, Бобур, басе камлиқ,
Агар қоши била юзун ҳилолу кунга ўхшацам.

* * *

Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзғорим ул қаро қошдин яна.

Мен худ ул тифли паривашға кўнгул бердим, вале,
Хонумоним ногаҳон бузулмағай бошдин яна.

Юз ёмонлиқ кўруб ондин телба бўлдунг, ей кўнгул,
Яхшилиғни кўз тутарсен ул паривашдин яна,

Тош урар атфол мани, уйида фориғ ул пари,
Телбалардек қичқиурмен ҳар замон тошдин яна.

Оёгим етганча Бобурдек кетар ердим, нетай,
Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна.

* * *

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдин ўзга жонни дилафкор кўрмадим,
Кўнглум киби қўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук кўзига токи қўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна хушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй етмишам, нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай ешигига бу навбат, ей қўнгул,
Нечаки бориб ешигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен
Иstab жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

* * *

Кўнгулга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,
Шикаста кўнглума ермиш қаро бало сочинг.

Муяссар ўлди жунун мулки, ей жунун аҳли,
Нисори ашкни емди бу кун манго сочинг.

Сочинг шикастида бордур шикаста кўнгуллар,
Кўнгуллар очилур, очилса ул қаро сочинг.

Очилди кўнгли, чу очтинг сочингни, Бобурнинг,
Не айб, агар деса дилбанду дилкушо сочинг.

* * *

Балойи ишқки, ҳар дам манда жафойедур,
Бу ишдин кеча олмон ажаб балойедур.

Хати лабиға туташ бўлса, ей қўнгул, не ажаб,
Ки Хизр чашмайи ҳайвонға раҳнамойедур.

Ярап бу хаста кўнгул дардиға ўқин яраси,
Магарки ҳар яраси ёрнинг давойедур.

Баҳор фаслидуру май ҳавоси бошимда,
Аёқ тут менга соқийки, хуш ҳавойедур.

Ул ой рақибға бўлди рафиқу Бобурнинг
Рафиқу ҳамдами ҳажринда охувойедур.

* * *

Сенинг ишқингда, ей номеҳрибон, бехонумон бўлдим,
Деман бехонумон овворайи икки жаҳон бўлдум.

Лабинг гар бермаса бўса нечук жон елта олгаймен,
Бу йўлдаким, адам сахросига емди равон бўлдум.

Сўруб ул ой лабидин оғзининг рамзини англадим,
Бир оғиз сўз била кўрунгки мунча хўрдадон бўлдум.

Нечаким қоши ёлар ишқида тузлукни кўрсаттим,
Вале охир маломат ўқлариға-ўқ нишон бўлдум.

Кулар ердим бурун Фарҳоди мискин достонига,
Бу Шириндурки онинг бирла-ўқ ҳамдостон бўлдум.

Висолинг давлатиға йетмасам Бобур киби, не тонг,
Ки ҳажринг меҳнатида асрү зору нотавон бўлдум.

* * *

Ўлум уйқусига бориб жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасангиз, ей дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур таҳқиқ билгайсиз,
Еруп жангу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.

Ўзунгни шод тутқил, ғам йема дунё учун зинҳор
Ки, бир дам ғам йемакка арзимас дунёйи фарсуда.

Замона аҳли ичра, ей кўнгул, оё топилғайму,
Сенингдек дард паймову менингдек дард паймуда.

Улусдин тинмадим умримда ҳаргиз лаҳзайе, Бобур,
Магар ўлсам бу олам аҳлидин бўлғаймен осуда.

* * *

Тишинг дур, лабинг маржон, хадинг гул, хатинг райҳон,
Юзунг хур, сочинг анбар, сўзунг мул, менгинг мейнон.
Мейнон менгинг, сўзинг мул, анбар сочинг, юзунг хур,
Райҳон хатинг, хадинг гул, маржон лабинг, тишинг дур.

Тафоҳур кўзум, кўнглум қилурлар магар бордур,
Кўзунга кўнгул вола, юзунга кўзум ҳайрон.
Ҳайрон кўзум юзунга, вола кўнгул кўзунга,
Бордур магар, қилурлар кўнглум, кўзум тафоҳур.

Тафаккур неча қилсам топилмас сенинг мислинг,
Парийдек сени кўрдум емассен маган инсон.
Инсон магар емассен, кўрдум сени парийдек,
Мислинг сенинг топилмас қилсам неча тафаккур.

Балодур манга ҳажринг, даводур манга васлинг,
Итобинг манга офат, ҳадисинг манга дармон.
Дармон манга ҳадисинг, офат манга итобинг,
Васлинг манда даводур, ҳажринг манга балодур.

Чу Бобур санга қулдур назар қил анга зинҳор,
Топилмас яна бир қул анингдек санга, ей жон.
Ей жон санга анингдек, бир қул яна топилмас,
Зинҳор анга назар қил, қулдур санга чу Бобур.

Рубоийлар

* * *

Қайғунгни чека-чека қарибдур Бобур,
Рахм айлаки, ўзидин борибдур Бобур.
Норанж юборди сангаким, билмагайсен,
Яъники, бу навъ саргорибдур Бобур.

* * *

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқисидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқисидур,
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқисидур.

* * *

Ёд етмас емиш кишини меҳнатга киши,
Шод етмас емиш кўнгулни ғурбатга киши.
Кўнглум бу ғариблекта шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатга севунмас емиш, албатта, киши.

* * *

Хижрон аро ёд етиб мени шод айла,
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод айла,
Бу хатни анинг учун битдим мунда,
Кўрган Сойи хатимни, мени ёд айла.

* * *

Ул хатки, анда сени мен ёд етгаймен,
Кўз оқида кошки савод етгаймен,
Кифриклардан анга қалам рост қилиб,
Кўз қаросидин анга мидод етгаймен.

* * *

Номангки тириклигим нишони ерди,
Ҳар сатри ҳаёти жовидони ерди,
Ҳар лафзида ошкор юз ҳарфи вафо,
Ҳар ҳарфида юз меҳр нихоний ерди.

* * *

Туз ох, Захириддин Муҳаммад Бобур,
Юз ох, Захириддин Муҳаммад Бобур,
Сарриштаи айшдин кўнгулни зинҳор
Уз ох, Захириддин Муҳаммад Бобур.

* * *

Сен гулсену мен ҳақир булбулдирмен,
Сен шуъласен, ул шуълаға мен кулдирмен.
Нисбат йўқдур, деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен елга, vale сенга қулдурмен.

Туюқлар

Васлдин сүз дерга йүқ ёро манга,
Хажр аро рахм айлагил, ёро, манга.
Үқунг етти күп ёмон ёро манга,
Мархами лутфунг била ёро манга.

* * *

Улки, хар күзи ғазоли Чиндуур,
Қошида пайвайета онинг чиндуур.
Чунки күп ёлгон айтти ул манга,
Гар десам ёлғончи они чиндуур.

* * *

Мени беҳол айлаган ёр ойдуур —
Ким, онинг васли менга ёрайдуур.
Гар висоли бўлмаса, кетар йерим
Ё Хуросон, ё Хитой, ё Ройдуур.

* * *

Ишқ аҳли ишқ дардини танинг,
Кўп ёмондур, дарди ишқидин танинг.
Хар неча кўзум оч ерса, кўз тўёр
Гар очилса сиймдек нозик танинг.

* * *

Мехрким, қўкка қилур оҳанг тонг,
Оллида бўлса, емас беранг тонг.
Холиу икки лабидек бўлмағай,
Хинду ар келтурса шаккар танг-танг.

* * *

Кел, қилай жонни нисоринг, о ёrim,
Нақди жонни борму сендин оёrim?!
Бўса берсанг гар тамом оғзинг била,
Кунжи оғзингдин олойин оёrim.

* * *

Сен киби бир дилрабони билманам,
Ошики содикки дерлар, бил, манам,
Қил тасаввур кўз ёшимни бир тенгиз,
Ўзга ошиқ ашки янглиғ билманам.

* * *

То чиқарди хат узори покидин,
Гул юзи озурда бўлди покидин.
Истар ерди ел бурун юз меҳр ила,
Емди ул юз меҳри кетти покидин.

* * *

То күнгүл бердим ўшал қойсориға,
Боргонини билмадим қой сориға.
Дүстлар, ёрға мени соғиндурунг,
Солсангиз ногаҳ қулоқ қойсориға.

* * *

Шах, супурай останинг юз ила,
Тийманакдин неча урай юз ила,
Икки юзлук муддаййдин не ғамим,
Гар ишим тушса алардин юзила?!

* * *

Не бало бийиктурур давлат тоғи,
Күйи ғамни не билур давлат тоғи.
Химмате тут, доғи давлат истагил,
Химматинг бўлса, бўлур давлат тоғи.

* * *

Жонға солди даф ғурбат норини,
Кўз ёшим бўлди мўғулнинг норини.
Бу ародадек бўлмаса,
Кўзлай Иссиғқўлу андин норини

* * *

Қаддимни фироқ меҳнати ё қилди,
Кўнглум ғаму андух ўтиға ёқилди.
Холимни сабоға айтиб ердим, ей гул,
Билмон, санга шарҳ қилмади ё қилди?!

Тўртликлар

Тутмағил, ей гул, равоким, ишқинг ичра ҳар ғариб,
Йерга бош қўйғай хазон яфроғи янглиғ сарғариб.
Шахрдин безор бўлса, не ажаб, безар киши,
Ишқ аро бемор бўлса, тонг емас, бемар ғариб.

* * *

Ёр кўб бемехрдур, толеъ басе ноиътамид,
Ваҳки, кун-кундин бўлурмен ўз-ўзимдин ноумид.
Васл боргондек кўнгулдин, борди илгимдин кўнгул,
Не менга андин хабардур, не анга мундин навид.

* * *

Келки, бормай, сени кўрмай юз туман армон била,
Мақдамингда нақди умрум сарф айлай жон била.
Нечастарсен менинг дардимға дармон, ей табиб,
Ишқ дарди яхши бўлгайму екин дармон била?

* * *

Нечаста мөхрсизликтин ҳижрон йўлиға борғай?
Ким бу йўлдин, ей кўнгул, ул қуёшни қайтарғай?

Хеч ешитмайин сўзни, ғамга солдилар ўзни,
Ё кўнгулни, ё қўзни, — қайси бирисин қарғай?

* * *

Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл бегам,
Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл хуррам.
Ел ҳамдами бўлғанда, ишқингда ғаму меҳнат,
Абдуссамади Тархон, ишрат била бўл ҳамдам.

* * *

Хаёл езам ул белни, ҳол елтадур,
Мени бели сори хаёл елтадур.
Қадининг хаёлин кўз асраб магар,
Кўнгул равзасиға нихол елтадур?

* * *

Ей хуш улким, қилса ғамдин кўнглини огоҳ, ишқ,
Айласа бегамлигининг қиссанинг кўтоҳ, ишқ.
Вах, не кун бўлғайки, қовлаб ақлу дониш хайлини,
Бўлса жон бирла кўнгулнинг кишварида шоҳ ишқ.

* * *

Сафар азмини қилдинг, мен бораолмай туруб қолдим,
Назар лутфини қилдинг мендину мен телмуруб қолдим.
Анингдек тунд сурди ҳажр раҳшин ул қарокўзлук,
Йироқтин юз алам бирла қаросини кўруб қолдим.

* * *

Сени кўрмаслик кўнгулга ғам еди, жонимға хам,
Ғайрнинг кўрмаклиги бўлди алам узра алам.
Ё сенинг кўрмаклигингдин ғайр бўлса ерди дафъ,
Ё сени кўрмайдуурмен, ғайрни хам кўрмасам.

* * *

Қади фурқати мени дуто қилур,
Қоши ҳажри қоматимни ё қилур,
Неча ғайрға ул ой вафо қилур?
Неча жонима менинг жафо қилур?

* * *

Ғурбат туғи ёпқон руҳи зардимниму дей?
Ё ҳажр чиқаргон оҳи сардимниму дей?
Ҳолинг недуур? Билурмусен дардимни?
Ҳолингай сўрайму, йўқса дардимниму дей?!

* * *

Ишванг била ғамзангайю нозингниму дей?
Жаврунг била сўзунггу гудозингниму дей?
Сўзунг, қилиғинг, навозишишингму айтай?
Овозу усулингнию созинггайму дей?

* * *

Күзум уйи юзидин мусаввар бўлди,
Бу важҳ била кўнгул мунашвар бўлди.
Юз шукрки, Бобур киби ошиқлиқда,
Ҳар неки тилаб едим — мұяссар бўлди.

* * *

Хаттингни кўруб, кўнгулга ҳайрат бўлди,
Шеъринг ешишиб, жонға мусаррат бўлди.
Бу неча маҳал тағофул еттинг, демагил,
Толеъ йўқ едики, мунча гафлат бўлди.

* * *

Ей пайк, бориб сано била қуллуқ, де!
Йер ўп, доғи қўп, адо била қуллуқ, де!
Гар ёр мени хастани сўрса зинҳор,
Мендин юқунуб, дуо била қуллуқ, де!

* * *

Номангки, тириклигим нишони ерди,
Ҳар сатри ҳаёти жовидони ерди.
Ҳар лафзида ошкор юз ҳарфи вафо,
Ҳар ҳарфда юз меҳр ниҳони ерди.

* * *

Ҳажрингда бу тун кўнгулда қайғу ерди,
Васлингга йетишмадим — жиҳат бу ерди:
Оҳим тутуни бирла кўзумнинг ёшидин
Йўл балчиқ еди, кеча қаронғу ерди!

* * *

Ҳажрингда, агарчи жонға бедод ерди,
Сенсиз манга юз фифону фарёд ерди.
Фикрингдин ерди, валек, хурсандлиғим,
Зикринг била бу хаста кўнгул шод ерди.

* * *

Хотирға хутур етти бу сўз ёнгла, ахий,
Айтай сенга, сен қулоқ солиб онгла, ахий.
Умрунгни бу кун хуш кечир ахбоб илаким,
Топилмагусидур ушбу кун тонгла, ахий.

* * *

Ешица киши бу шўру шеван, не дегай?
Доим бу тарийқ ичкуни кўрган не дегай?
Душман сўзига кирма, ешиш дўст сўзин,
Ешишмаса сўзни дўст, душман не дегай?

* * *

Ишқингда кўнгул ҳаробдур, мен не қилай?
Ҳажрингда кўзум пуробдур, мен не қилай?
Жисмим аро печутобдур, мен не қилай?
Жонимда кўп изтиробдур, мен не қилай?

* * *

Шохим, санга маълум емастур, не қилай?
Оҳим санга маълум емастур, не қилай?
Мен юзу қошинг дермену сен — бадру ҳилол,
Моҳим, санга маълум емастур, не қилай?

* * *

Бошимни туфайл ул саромадқа қилай,
Жонимни фидо ўшал сиҳи қадқа қилай.
Бу хаста кўнгул била хамида қадни
Кўзи била зулфиға анинг садқа қилай.

* * *

Йециам санга, қуллуғумни чўқ арз қилай,
Сен йециангуну мен десамки, йўқ арз қилай.
Кўптур сўзуму маҳрам емас ҳеч киши,
Руҳсат еца, тобуғунгда-ўқ арз қилай.

* * *

Хижрон аро неча нома таҳрир қилай,
Хома тили бирла ҳол тақрир қилай.
Хуш улким, сўзум санга десам воситасиз,
Сен андаю мен мунда — не тадбир қилай?

* * *

Менинг тилагим будурки, то зинда бўлай,
Қар қанда есанг, банда доғи анда бўлай.
Не хулқ еди, ёна кўнглум олдинг сўз ила,
Ширин сўзу яхши хулқунгга бандада бўлай!

Қитъалар

Ей аларким, бу Ҳинд кишваридин
Бордингиз англаб ўзга ранжу алам.
Кобулу хуш ҳавосини соғиниб,
Ҳинддин гарм бордингиз ул дам.
Кўрдингиз — топтингиз екин анда
Ишрату айш бирла нозу ниам?
Биз доғи ўлмадуқ, биҳамдиллоҳ,
Гарчи кўп ранж еди-ю, беҳад ғам.
Ҳаззи нафсий, машаққати баданий,
Сиздин ўтти-ю, ўтти биздин ҳам.

* * *

Даврон ғами била ситамини унугуур
Ул сабзчехра ёр хаёли аладдавом.
Ҳижронида хаёл ета олмон, бу турфаким,

Васлида ҳам хаёл агар бўлса, борча хом.
Васфида хомлик агар ўлса, не ғамдуур,
Чун дафъ етар хаёли ғаму ғуссани тамом.
Чун ёри роздор қилурман сени хаёл,
Асрор фош айлама зинҳор, вассалом!

* * *

Бобур ниёзу мадхини йеткургил, ей сабо,
Ул шаҳзода Носир олижанобқа.
Бўл ою йил фароғату хушбошлиғ била
Бўлгунча моҳу сол ою офтобқа.
Ҳижрон чўлида жаҳд била пўялар уруб,
Иstab зилоли васл, йетиштим саробқа.
Чун хост мундоқ ердики, ҳажрингни чеккамен,
Бехост ражъят айламишам Андаробқа.

* * *

Ейки, тарғиб қилурсен чоғир ичмакка мени,
Созу хонанда била соқиу сахбо борму?
Бовужудики, ўтубтур чоғир ичмак вакти,
Мажлис асбобини, билмонки, муҳайё борму?

* * *

Ноумид бўлдум, ей Мўғул, сендин,
То ешигимки, Андижон бординг.
Айтғон сўзга келдим, аммо, сен
Яхши келдинг демай, ямон бординг.

* * *

Қолмади ҳурмат аҳли оламда,
Оламу олам аҳдидин юв илик!
Бобуро, икки подшолиғдин
Яхшироқ бу замонда бир беклик.

* * *

Муяссар ўлса агар ёр васли ғурбатта,
Ватанни не қилаю ўз диёр нега керак?
Йиборди ёр манга ёдгор деб хатини,
Манга ҳабиб керак, ёдгор нега керак?!

* * *

Не суд андин пой дар гиллиғим,
Чу ал дўстлардин ул ой юб емиш.
Ўзин форигу бизни қилгон асир-
Ким, ермиш бу янглиғ ул Айюб емиш.

* * *

Тамоми хусн ели соғу ҳушёр еканда,
Дурушту тунд агар бўлсалар, билингки, йериидур.
Чоғир керакки, ичиб, базм бўлса, барча йигитлар,
Чоғир кетур, бори хублар чоғирга тушкулариidor.

* * *

Не қилайин сенинг била, ей тил,
Жиҳатингдин менинг ичим қондур!
Неча яхши десанг бу ҳазл ила шеър,
Бириси фахшу бири ёлғондур.
Гар десанг куймайин бу журм била,
Жилавингни бу арсадин ёндор!

* * *

Ул сарвнинг ҳаримиға гар йеңсанг, ей сабо,
Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига.
Раҳм айлабон соғинмади Бобурни, бор умид,
Солгой Худой раҳмни Фўлод кўнглига.

* * *

Бу вилоятка муқайяд бўлмағил,
Кел, Хурсон жонибиға азм қил!
Гар борур бўлсанг, ерурмен ҳамраҳинг,
В-ар туарсен, мен борурмен жазм қил!

* * *

Йўқтуур нозингдин озоре манга,
Ноз агар қилсанг манга матлубдур.
Хоҳ қўрсат лутфу хоҳи жавр қил,
Ҳар не воқеъ бўлса сендин хубдур.

* * *

Қилмаса ул ой назар манга, не тонг?
Тенгри толеъ чун манга ёротмади.
Ўқи ёрап ери кўнглум дардини,
Нетайин, кўнглум учун ёр отмади.

Фардлар

Холимни санга айтиб, ҳажр ўтиға ўртондим,
Ей ёр, ямон қилдим, ҳар неки дедим — ёндим.

* * *

Санбўса сенинг кўнглунг гар истаса, андоқ қил,
Санбўса керак бўлса, сан бўса иноят қил.

* * *

Қутулмоқ фироқингдин осон емас,
Йетишмак висолингга имкон емас.

* * *

Дардинг ўлса, иложни нетайин?
Сенсизин тахту тожни нетайин?

* * *

Мехрубон истаб, балои бевафоға учрадим,
Бевафо ермиш, Худойим, не балоға учрадим?

* * *

Бўлдум яна ошуфта, девона даги бормен,
Гўёки бу фурсатта ошиқ бўлуб ўхшормен.

* * *

Кошки ел бирла ул маҳваш ҳикоят қилмаса,
Ё ҳикоят қилғанини ел ривоят қилмаса.

* * *

Кўнглум висолидин хушу кўзумда нурдур,
Кўз равшани, кўнгул хуши Абдушукурдур.

* * *

Бўлмади ҳаргиз, нетай, ул бевафо ёрим менинг,
Гар менга ёр ўлса ул, бўлгай Худо ёрим менинг.

* * *

Ёрнинг ағёрға меҳ_ру вафосин англадим,
Нотавон кўнглумга ҳам жавру жафосин англадим.

* * *

Қадин кўз жўйбориға ул ой бехост келтурса,
Оёғидин кўтармай бошни, Тангри рост келтурса.

* * *

Не осиг ишқ аро манъ айламак оху фифонимни
Ки, мен барбод бермишмен бу йўлда хонумонимни.

* * *

Сенгаким, арзи ҳолимни адо мен нотавон қилдим,
Муборак хотирингға нохуш-ар келса, ёмон қилдим.

* * *

Муштоқдурур хаста кўнгул васлинга бисёр,
Ёрим кеча келгилки, хабар топмасун ағёр.

* * *

Ейки, лаъли жонфизоинг нуқлу майдин яхшидур,
Келгил ушбу кеча, юз кўрсатки, ойдин яхшидур.

* * *

Келки, онда фурқатингдин доғи ҳирмон қолмасун,
Қолмасун ғамда кўнгул, кўнглумда армон қолмасун.

* * *

Ишқинг майдин, ей жонким, масти бехабармен,
Гохи ўзумда йўқмен, гохи ўзумда бормен.

* * *

Кўзум ёруғлуғиу хаста кўнглум хушлиғи сенсен,
Баданда жонсену жоннинг дағи дилкашлиғи сенсен.

* * *

Сенга ҳолимни ёздим, сажда қилдим,
Айтқилким, не ёздим, не ёнгилдим?
Отин оғзимға олдим ерса, тортар тифи кин ул мах,
Мени агар ўлтурур бўлса бу ёзуқ бирла, бисмиллах.

* * *

Мени йўқ еътиқоди деб, бори ел ичра ёд етма,
Худой учун бори елни ўзунгдек еътиқрд етма.

* * *

Жаҳон чун бевафодур, нечаким андиша Бобур қил,
Ўзунгни подшохи жумлаи олам тасаввур қил.

* * *

Мехр ила хурсанд етарсен, жавр ила помол ҳам,
Бир замон ғамгин қилурсен, бир замон хушҳол ҳам.

* * *

Кўрмас жаҳонда ҳаргиз кўнглини шод Бобур,
Топмас муроди дилни, ей номурод Бобур.

* * *

Бу кўзаки, бўйнумға қўюб келмишам они,
Ҳар ким бу чоғир ичмаса, ўз бўйниға қони.

* * *

Ёд айламадинг ҳаргиз, мунчаки ёлинибмен,
Сен мени соғинмайсен, мен сени соғинибмен.

* * *

Хати бирла ул ой ҳадди: бири — моҳу бири — ҳола,
Юзи бирла анинг қадди: бири — сарву бири — лола.

* * *

Улфатим ел бирла оздур, кўбдур ел жаври менга,
Не менинг таврим ёқар елга, не ел таври менга.

* * *

Баҳор мавсуми йеттию хуш хаво ўтти,
Тағофул айлама соқийки, ўтти, хр, ўтти.

* * *

Бодадин ишрат уйини доим обод етгасен,
Хар қачонким, бода нўш есанг, мени ёд етгасен.

* * *

Ё Раб, хавос жамъида Бобурни хос қил,
Ёхуд авом тафриқасидин халос қил.

* * *

Ўзга ҳамдам истабон, жонимға маҳрам найлайин?
Менмену ул ой хаёли, ўзга ҳамдам найлайин?

* * *

Очилди кўнглум ўшал гульузор келганидин,
Нечукки, ғунча очилғай баҳор келганидин.

* * *

Бир фикру бир ҳаводадурур ҳар нафас кўнгул,
Ҳар лаҳза бир ҳавас қиласур булҳавас кўнгул.

* * *

Висол шавқидамен, иштиёқ кўрсатма,
Худой учун менга асрү фироқ кўрсатма.

* * *

Неча бошимға ёғдурғай жафо тошини ул маҳваш?
Неча сабр айлай онинг жавриғаким, ўтди ҳаддин тош?

* * *

Май хуморидин ўлур ҳар нафас афзун дардим
Соқиё, кел, бир аёқ берки, илиқдин бордим.

* * *

Жафони қўй, вафо таркини тутма,
Унутмасмен сени, сен ҳам унутма.

* * *

Сенга ошиқ емасменким, менга жавр етгасен доим,
Сенинг нозингни ким тортар, менинг сендин не парвоим?

* * *

Гар кўзунгдин туштум ерса, кўрдум они бодадин,
Бўлди тақсир емди сен ўткор мени уфтодадин.

* * *

Чун зарурат бўлди, қилдим сендин айру майли жом,
Ҳар чоғирким, ичмасам ёдинг била, бўлсун ҳаром.

* * *

Тасаввур қилмағилким, сендин, ей жон, ўзга қилғаймен,
Күнгүл ул, фикр хам улдур, не имкон ўзга қилғаймен?

* * *

Бормаким, күнглумда васлинг иштиёқидур ҳануз,
Келки, васлинг иштиёқи менда бокидур ҳануз.

* * *

Ешикишта бошим қўймоқ учун ҳар дам итоб етма,
Бош олиб кетгум охир ешикингдин, изтироб етма.

* * *

Яна ошуфтароқ кўрдум ўшал номеҳрублонимни,
Не иш қилдим? Не тақсир ўлди? Билмасмен гуноҳимни.

* * *

Хажр ила қўнглумни буздинг, васл бирла туз мени,
Бордингу ўлтурдунг охир, кел, дағи тиргуз мени.

* * *

Ўтган оқшом ваъда айлаб, ул парирў келмади,
«Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади».

* * *

Ичиб чоғирни, ишим телбаликка ёвшти,
Нечук таҳаммул етай, ичимга ўт тушти.

* * *

Гўшайе туцам, жаҳоннинг елидин ғам кўрмасам,
Истарам ел кўрмаса мению мен ҳам кўрмасам.

* * *

Бизга чун меҳринг йўқ, елга меҳрублонлиғ қилмағил,
Яхшилиғ чун қилмадинг, боре ёмонлиғ қилмағил.

* * *

Жаҳон бирла жаҳоннинг аҳлидин беҳад малолим бор,
Биридин қатъ етиб, ул бирга қотилмас хаёлим бор.

* * *

Жонни фидо қилиб сенга, бормен дағи ёмон,
Қилған ҳамондуур дөғию қилмаған ҳамон.

* * *

Ей сабо, шарҳ айлагил ҳижронда авқотим менинг,
Ўца ул шаҳнинг тобуғида агар отим менинг.

* * *

Бўлди ҳажринг дўзахининг бартараф бўлмоқ чоғи
Ким, висолингнинг далилидур кўзумнинг учмоғи.

* * *

Ҳам ҳуснининг бинафشاю гул банда-бардаси,
Ҳам сарв ерур чаманда бир озодкардаси.

* * *

Тани зоримни де, гулшанда шохи нотавон кўрсанг,
Сариф юзумни соғин, боғ аро барги хазон кўрсанг.

* * *

Бобурдуур бу икки варакнинг муҳаррири,
Бири бутун варактуру пайвандлар бири.

* * *

Борму еркин ҳеч нима оламда ҳижрондин ёмон,
Ҳар неким ондин ёмонроқ йўқ, будур ондин ёмон.

* * *

Басе, фироқида ичсам чоғир, йиғим келадур,
Манга чоғирни кетурмангки, аччиғим келадур.

* * *

Тутмагил, ей гул, равоким, ишқинг ичра бир ғариб,
Йерга бош қўйғай хазон яфроғи янглиғ сарғариб.

* * *

Зуҳд сахросига туштум ишқ йўлидин озиб,
Бобури гумраҳни емди ким бу йўлга кўндуур?

* * *

Ул икки лаби рамзи дард аҳлиға килмайдур,
Гул ғунчасидур гўё, бизларга очилмайдур.

* * *

Бор арчи боиси юз шўру юз гуноҳ чоғир,
Чоғир фироқи қилди ҳалок мени, оҳ чоғир!

* * *

Фироқингдин ёвуштум ўлгали, ей ёр, келгайсен!
Висолинга басе муштоқмен, зинҳор келгайсен!

* * *

Ул париухсора ҳаргиз нотавонлик кўрмасун!
Яхшидур яхши киши, ҳаргиз ёмонлик кўрмасун!

* * *

Сендин айру найлагаймен айшу саҳбо хушлуғин,
Ки, сенинг учун тилармен барча дунё хушлуғин.

* * *

Сенинг учун ватаним кўху дашт бўлгусидур,
Анинг учунки, вафосиз ғазол кўрунасан.

* * *

Ёр қадрин билмадим то ёрдин айрилмадим,
Ёр қадри мунча ҳам душвор екандур билмадим.

* * *

Кўруб ҳижрон ғамин, жононға йеттим,
Агарчи ранж чектим, жонға йеттим.

* * *

Мени ҳижронда куйдурсанг, кўнгул сендин совутмасмен,
Агарчи сен унутгунг мени, сени мен унутмасмен!

* * *

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ғам ҳар сў,
Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам оқар су(в).

* * *

Жаҳон елию жаҳон борча гар адам бўлса,
Адам йўлини тутай зарра менда ғам бўлса.

* * *

Истарам йециам қуюндеқ гульузорим қошиға,
Оллида туфроғ бўлуб, еврулсам онинг бошиға!

* * *

Гарчи оламда висол айёми дилкашдур, ахий,
То билингай васл қадри, ҳажр ҳам хушдур, ахий.

* * *

Мехрибон соғинғоним номехрибон ермиш, нетай?
Яхшилиғ кўз тутгоним асрү ёмон ермиш, нетай?

* * *

Неча ул ёр ёд етмай, мени ағёр соғинғай,
Не кун бўлғай мени дилхастани ул ёр соғинғай.

* * *

Бу дунёдин фараҳ йўқтур мени маҳзунға жононсиз,
Жаҳондинким, десун, биллоҳ, керакмас манга жон онсиз!

* * *

Дүстлүкни гар тиларсен айласанг исбот кел,
Сұхбатингға асру күп муштоқдурмен бот кел.

* * *

Хуш ул бурунқи замонларки, ўтгию борди,
Хуш ул кишики, замонларни яхши ўткорди.

* * *

Мурод васлинг ерур — айла ёд Бобурни,
Унутмоғил яна бу номурод Бобурни.

* * *

Күзумнинг нурисен, күнглум хузури,
Таним хуррамлиғи, жоним сурори.

* * *

Сабзаю гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,
Хоса бу мавсумда Борон ёзисио Гулбаҳор.

* * *

Ғайрға неча ул ой вафо қилур,
Неча жонима менинг жафо қилур?

* * *

Қади фироқи мени дуто қилур,
Қоши ҳажри қоматимни ё қилур.

* * *

Захри ҳижрон ичмишам, бер бода тарёки манга,
Май хумори бошта чўхтур, тут чоғир соқи(й) манга

* * *

Боғ неча хўб еса, кўйича йўқтур,
Сарвни мавзун деса, бўйича йўқтур.

* * *

Агёрга ўқ урубон, дардига даво қиладур,
Бисёр ёмон борадур, ул ёр хато қиладур.

* * *

Бормоққа не маскан мұяссар,
Турмоққа не давлат мұяссар.

* * *

Билинг муни давлат, гар ўлса мұяссар
Раҳиқи мураввак, рафиқи суханвар.

* * *

Ишқни ҳар кимки қилур ихтиёр,
Мен киби оламда бўлур хору зор.

* * *

Шайху мулло Шихобу Хондамир,
Келинг уч-уч, ики-ики, бир-бир.

* * *

Жамолингдин қүёш асру бот ўтотлиғ,
Сочингга банда боғ ичра сунбул отлиғ.

* * *

Ваҳму усроттин амоне топтук,
Янги жон, тоза жаҳоне топтук.

* * *

Кел, ей рафиқи гулрўй, кетур рақиқи гулранг,
Ўзунг ичиб, манта қуй, кўтар наво тузуб чанг.

* * *

Яшурди отини ғайр иттифоқи бирла ул қамдам,
Дедим отини елга, фош қилдим иттифоқин ҳам.

* * *

Ишқ юки айлади сипехри аълони ҳам,
Не ажаб, ар айласа менингча шайдони ҳам.

* * *

Рақиб йўлдошу мен ҳажрдин дуто ўлдум,
Ғарид турки ситамгарға мубтало ўлдум.

* * *

Бошим қадам қилибон висолинга йетайин,
Муяссар бўлмаса васл, бош олибон кетайин.

* * *

Ҳаж йўлига кир, кўнгул, ҳиммат била,
Бер қаз, оқ ар ўлса юз минг қофила.

* * *

Ғам юзини қўрма, бўлсанг журъяю жоме била,
Шукр қил, май нўш қилсанг гар гуландоме била.

* * *

Не малак андоқ ерур, не ерур онча киши,
Қамар анинг мукирри, қүёш анинг қаёши.

* * *

Хар кимки, бўюнни қўймас, они тийгай,
Чопқай, талоғай, мутеъю мунқод етгай.

* * *

Кадинг жаннат риёзининг ниҳоли,
Ерам гулзори хадингнинг мисоли.

* * *

Ҳажр шоми сочи савдоси чекар ҳар ён мени,
Ваҳқи, бу поёни йўқ тун қилди саргардон мени.

* * *

Кўпу озға Тенгридур бергучи,
Бу даргоҳда йўқтур кишининг кучи.

Маснавийлар

Сабо, ул гул ҳаримиға гузар қил,
Менинг ҳолимдин ул гулга хабар қил.

Саломим йеткур ул ороми жонға,
Яна мундок дегил ул дилситонға:

«Юзунгни кўрсатиб, кўнглумни олдинг,
Олиб кўнглумни, кўздин мени солдинг.

Дегил дилдорлиғ мундок бўлурму?
Тариқи ёрлиғ мундоқ бўлурму?

Сени мундок тасавур қилмас ердим,
Бу янглиғ рах, мсиз ҳам билмас ердим.

Сени деб барча оламдин кечибмен,
Рафиқу ёру ҳамдамдин кечибмен.

Замоне қилмадим сендин фароғат,
Вале, бордур сенга мендин фароғат.

Мени аввал ўзунгга ҳамдам еттинг,
Ёна билмон нега номаҳрам еттинг.

Сўзунгким, Хизр суйидин нишондур,
Вале, ул сув киби мендин нишондур.

Не, яъни мунча биздин сўз ёшурмоқ,
Жафо ойинини ҳаддин ошурмоқ?

Биронингким, бирордин кўнгли қолур,
Киши юз сўз била кўнгулни олур.

Ажабким, мендин, ей дилдор, тўйдунг,
Менинг кўнглумни бир сўз бирла қўйдунг.

Узатма мунча ҳам, Бобур, сўзунгни,
Бу сўзлар бирла хор етма ўзунгни.

Агарчи күп сўзунг бор, мухтасар қил,
Ул ойға сўзнинг аслидин хабар қил.

Гар ул сўзким, ёшурдунг, айтмассен,
Бу янглиғ одатингдин қайтмассен.

Сенинг севмаслигингни жазм етармен,
Бош олиб ўзга бир сори кетармен.

Агар ботроқ йибормассен жавобим,
Бу хатдин ортуқ ўлур печу тобим».

* * *

Ей пайки сабо, қотимға келгил!
Ешиш бу сўзумни, доғи билгил!

Йелдек йетиб ул қуёш қошиға,
Куюн киби еврулуб бошиға.

Юз ҳасрату иштиёқ бирла,
Юз минг аламу фироқ бирла.

Мендин тобуғида бўйла арз ет,
Бу хидматни ўзунгга фарз ет:

«К-ей подشاҳи вилояти ҳусн!
Шаънингда келибтур ояти ҳусн!

Сен ҳусн сарири подшоҳи!
Мен ишқ факири додҳоҳи!

Хажру ғаминг етти зулму бедод,
Ей жону жаҳон, фитону фарёд!

Ойрилғали, ей нигор, сендин,
Ойрилди хушу қарор мендин.

Кўзумда, агарчи, йўқ жамолинг,
Кўнглумдадурур, vale, хаёлинг.

Фикрим будурурки, сенга йеџам!
Зикрим будурур — сўзунг ешицам!

Бормади кўнгулдин ул сочу юз,
Ёд еттим аларни кеча-кундуз.

Чун йўқ қошинга йетарга ҳаддим,
Қошинг ғамидан егилди қаддим.

Зулфунг гириҳиға бастадурмен,
Кўзунг ҳавасида хастадурмен.

То оқ юзунг йироқ тушти,
Икки кўзум ичра оқ тушти.
Оғзинг ғамидинки, тангдилмэн,
Ўлмай юрурам, не сангдилмэн!

Лутф етки, ҳароб бўлди ҳолим,
Раҳм айлаки, қолмади мажолим.

Хуш улки, юзунгни ёна кўрсам,
Ҳайрон боқибон юзунгга турсам.

Ўпсам аёғинг қўюб юзумни,
Суртуб анга ҳар замон кўзумни.

Бўйнунгфа қўлум ҳамойил езам,
Сарвингни ўзумга мойил езам.

Гах илкима ғабғабингни олсам,
Гах оғзима ул лабингни олсам.

Кўзумни кўтармасам кўзунгдин,

Юзумни кўтармасам юзунгдин.

Гах оғзимға тилингни олсам,
Гах оғзингға тилимни солсам.

Хосилки, агар қошингға йезам,
Кўнглум тилаганча ишрат езам.

Юзунг яна кўрсам ерди, ей жон,
Ўлсам доғи қолмас ерди армон.

Юз мунча хаёллар қилурмен,
Ёдинг била ҳоллар қилурмен.

Мен ушбу хаёллар била шод,
Сен мени қилурсен ўзгача ёд.

Маҳжур кўнгулни шод қилмай,
Яхши сўз бирла ёд қилмай.

Ёлғон сўз ила итоб етарсен,
Юз қаҳр била хитоб етарсен.

Гар ёлюни бўлса зоҳир, ей дўст!
Шарманда бўларсен охир, ей дўст!
Ей ёр, сен айлама тасаввур-
Ким, кўнглини ўзга қилди Бобур.

Юз хурсифат қошимға келса,
Юз тифи жафо бошимға келса.

Кўнглумда хануз ўшал вафодур!
Бошимда дағи ўшал ҳаводур!

Фикрим ўшалу хаёл ўшалдур!
Дардим улу зор ҳол ўшалдур!

Гар мунда тараддуд еца ойим,
Бу сўзда гувоҳ ерур Худойим.

Ҳол ул едиким, ҳикоят еттим,
Гах шукру гаҳи шикоят еттим.

Хар неки күнгүлда ерди — дедим,
Емди сендин будур умидим:

Хар ишта шитоб қилмағайсен!
Бу тавр итоб қилмағайсен!

Қолгон күнглумни олғасен бот,
Олғон назарингни солғасен бот.

Гар яхшию гар ямон қилурсен,
Дедим санга, емди сен билурсен.

То дахрдуур, саломат ўлғил!
Хушлуқ била то қиёмат ўлғил!

Хушвақтлиғинг мудом бўлсун!
Давлат санга муйетадом бўлсун!